

Da'vat

Ота-онангга қандай муомала қилган бўлсанг, фарзандларингдан ўша муомалани кут.

КАЙКОВУС

Kuch - bilim va tafakkurda



Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ

1931 йилдан чиқа бошлаган 1999 йил 13 ноябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 90 (7183)

Ibrat

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 289-мактабда 80 нафар ўқувчининг мучалтўйлари нишонланди. Тантанана ҳомийлик қилган «Асрий» корхонаси (раҳбари Зокиржон Сиддиков) томонидан барча болаларга совғалар улашилди.

JUMLADA JANON

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида мамлакатимиз Президенти Исроил Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» деб номланган китобидан келиб чиқадиган вазифалар ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва қасаба уюшмалари ўртасидаги ижтимоий шерикчилик тамойилларини изчил равишда таътиб этиш борасидаги тадбирлар» тўғрисидаги қарори ижросига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшолигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ш.Бобоҳонов ўриндошлик асосида Баҳрайн Давлати Амири шайх Ҳамад Бин Исо бин Салмон Ол Халифага ишонч ёрлигини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти олиб боришлари учун қўшимча шарт оғратиб бериш ҳамда уларнинг ишончли вакиллари фаолияти билан боғлиқ айрим масалалар бўйича Марказий сайлов комиссиясининг йўриқномалари тасдиқланди.

Жанубий Корея билан Монголия ҳукуматлари ўртасида табиий захираларни, яъни мис, нефть ва бошқа ер ости бойлиқларини казиб олиш ва қайта ишлаш борасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Австралия киргок қўриқчилари Индонезия орқали ўша мамлакатга ноконуний равишда киргок бўлган 175 нафар Яқин Шарқ минтақаси мамлакатлари фуқароларидан иборат қочқорлар гуруҳини тўхтаб қолган бўлсада, Австралия муҳожирик хизмати келгиндиларни вақтинчалик турар жой билан таъмин этишга розилик берди.



Чилонзор туманидаги 56-мактаб жамоаси математика фани ўқитувчиси Гавҳар Холматовани хурмат билан тилга олишади. Гап шундаки, Гавҳар Холматова ўғил-қизлар онгига математика фани тушунчаларини сингдирибгина қолмай, балки мактабнинг маърифий-маънавий тарбия ишларига ҳам бош-қош бўлмоқда. Суратда: Изланувчан муаллим Гавҳар Холматова машғулот пайтида.

Равиль АЛБЕКОВ олган сурат

ПАРЛАМЕНТ ЯНГИЛАНИШ АРАФАСИДА

Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази маҳаллий ва хорижий журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказди. Унда иштирок этган Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комилов сайловолди жараёнларининг бориши, жойлардаги сайлов участкалари фаолияти ҳамда ташвиқот ишлари ҳусусида апрофлеча маъруза қилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига рўйхатга олинган 1242 нафар номзодларнинг портретлари туширилган, уларга тегишли барча маълумотлар ахс этган ташвиқот плакатлари нашрдан чиқарилиб, жойларга етказилганлиги маълум қилинди.

Журналистлар номзодларнинг сайловчилар билан бўлаётган учрашуварига, ташвиқот пайтида баъзан Қонунни бузиш ҳолатлари бўлаётгани ва бу каби масалалар юзасидан кўрилатилган чора-тадбирлар борасида аниқ маълумотлар олди. Анжуманда таъкидлангани, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотини томонидан тасдиқланган 20 нафар халқаро кузатувчиларнинг 5 нафари айти пайтида мамлакатимизга келган.

Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган статистик маълумотлар билан навбатдаги сонларда таъкидланган. Ф.КАРИМОВ



ОЛДИМИЗДА ОҚҚАН СУВ...

Мутахассисларнинг хабарларига қараганда, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси фойдаланадиган ичимлик сувининг 80 фоизи ер ости сувларидир. Хар бир юрдошимиз кунига ўртача 160-200 литр сувдан фойдаланаётган экан. Ифлосланган сувни қайта тазалайдиган махсус курилмалар сони эса республикаимизда 600 тадан ортиқдир.

ҲАР КИМНИНГ МЕЪЁРИ БОР

Соғлом киши ўртача бир кунда 6-8 соат ухлаши лозим, деган биз кўнмаган нуқтани назарга австриялик физиолог Клаус Хольм карши фикр билдирмоқда. Олимнинг айтишича, хар бир кишининг ўзига яраша меъёри бор ва бу меъёрни белгилаб олиш хар бир кишининг ўзигагина боғлиқдир.

1,3 МИЛЛИАРДГА ЕТДИ

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, дунёда асримиш бошидан буён ишлаб чиқарилган автомобиллар сони 1,3 миллиардга 2010 йилга қадар эса жаҳон автомобиль бозорларига яна шунча миқдорда автомобиллар чиқарилиши тахмин қилинмоқда.

Фойдасидан ЗАРАРИ КўПРОҚ

Ҳа, америкалик шифокорлар шундай фикрда, яъни, сақич кўплаб касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Тажирибаларда аниқланишича, сақич ёш болаларда учрайдиган ич қотиши, томоқ, тиш оғриқлари ва йўтални келтириб чиқаради.

ЭНГ БУЮК БОЙЛИК — МАЪРИФАТ, ЭНГ АЧЧИҚ ОҒУ — ЖАҲОЛАТ

Жаҳолат нима? У қандай кучки, инсониятга мислсиз кулфатлар келтирса, шаҳарларни вайрон қилиб, минглаб бегуноҳ одамларнинг қони тўкилишига сабаб бўлса? Одам қандай ҳолатларда жаҳолат тўрига тушиб қолади? Наҳотки, жоҳиллик таъсирига берилган инсоннинг бегуноҳ одамларни ҳайвондай бўғизлаётгани қили қалтира-маса, юраги сесканмаса? Нима учун айримлар кўра-била туриб уларнинг сафига қўшилмоқдалар? Гўё «чин мусулмон»ликни даъво қилмоқчи бўлаётганлар нима учун исломга зид ҳаракатлар содир этмоқдалар? Амалпараст алампарадалар адолат учун кураш деганда нимани, қандай адолатни назарда тутмоқдалар? Ўзига хос ривожланиш йўлини танаб олган, изланиш, ташаббус

билан тараққиётга интилаётган, юзлаб дунё давлатлари қаторида ўз ўрни, нуфузига эга бўлиб бораётган мамлакат халқини улар яна қандай «озодлик»ка бошлаб, қандай «адолат» учун курашга чақирмоқчи? Мамлакатимиз Президент Исроил Каримовнинг «XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволига берган жавобларида баён қилинган фикрлар, мулоҳазалар, кузатишлар, таҳлиллар таваққулимизга тиниклик беради, идрокимизни уйғотади. Юртбошимизнинг нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё ахли учун янги аср шiori — мақсадига айланиши лозим бўлган «XXI асрда дунёни маънавий ва маданият кут-

Биринчи мақола

қаради» деган сўзлари моҳиятидаги қатъият, ишонч, чақирок, оғоҳлик каби маъноларни англаймиз. Борлиқни, воқеа, ҳодисаларни онгли идрок этишга, жаҳолатнинг илдизлари, у куч олаётган манбалар, жоҳилларнинг интилишлари замири-

Ogohlikka da'vat

даги мақсадни англашга ҳаракат қиламиз. Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, ҳаммаша жаҳолат адолат ва маърифатнинг йўлига тўғанок бўлиб келганлигини кўраемиз. Минг афсуски, бугун инсон таваққури қонотга етган, юксак тараққиёт замонида ҳам жаҳолат инсониятга бирдай хавф туғдириб турибди. Ҳокимият илмида ку-

рашаётган жоҳиллар энг таъсирчан механизмларни ишга солмоқда. Бугун ислом динини никоҳ қилиб олган жоҳиллар ҳақида ўйлаган сари киши бир нарсадан танажубга тушаверади. Оллоҳ таоло муқаддас Қуръони каримни инсониятни жоҳилликдан қайтариш, маърифатга йўллаш учун туширганмиди? Аҳдоқларимиз ана шу маърифат нурини юракларига жойлаб, жаҳонни ақлу зақоси ила шўьлалантирган эдилар-ку! Буюк файласуф Аб Наср Форобий ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида ҳам инсониятни ана шундай маърифатга асосланган жамиятда яшашини оруз қилмаганмиди? Улғ му-тафаккур Алишер Навоий-чи!

Жаҳолат қачон «уйғонади», у нимадан куч олади? Диний ақидаларстлик — маърифатга қарама-қарши куч бўлса, унинг динга қандай алоқаси бор?

(Давоми 2-бетда)

ЯКУНИЙ ТАҲЛИЛ

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган бу галли учрашув 1999 йилги тест синовлари якунига бағишланди. Унда Давлат Тест Марказининг директори Мухсин Мухидинов олий ўқув юрталарига қабулнинг бу йилги натижалари ҳусусида батафсил сўзлаб берди. — Тест саволларини йил сайин тақомиллаштириб бораемиз, — деди М.Мухидинов. — АҚШ, Туркия мамлакатлари олий ўқув

юрталари иш тажирибасини ўрганиб қайтиди. Фақат ўрганиб қайтишгина эмас, балки ўзимизники билан солиштирилди. Бу йилги тест синовларини ўтказишда холислик ва адолатлиликка алоҳида аҳамият берилди. Журналистларнинг берган саволларига Тест Марказининг ўзбек тили ва адабиёти, тарих, ҳуқуқшунослик бўйича экспертлари ҳам жавоб қайтаришди. МУХБИРИМИЗ

Bevosita mulqot

ган ҳолда ижобий томонларини олдиқ, номақбул жиҳатларини қолдирди. Кўп вариантли тест саволлари каршиида ҳам синчков абитуриентларимиз шошиб қолишгани йўқ.

ОБУНА - 2000

Таълим-тарбия борасида олиб борилаётган ислохотлар табиий равишда ушбу соҳа ходимларининг ахборотга, янгиликка бўлган эҳтиёжини оширади. Халқ таълими вазирлиги тизимидаги кўплаб нашрлар эса бу талабни қондиришда энг тезкор, энг қулай ва энг самарали восита сифатида ўзини оқлаб келмоқда. Ҳурматли таълим-тарбия муассасалари раҳбарлари, педагоглар, тарбиячилар! 2000 йил учун Сизнинг ҳаммиша ёрдамчингиз бўлиб келган қуйидаги газета ва журналларга обуна давом этмоқда. Уйлаймизки, янги йилда ҳам Сиз азизлар билан бирга бўламиз.

«Ma'rifat» газетаси

Нашр индекси: якка обуначилар учун - 149, ташкилотлар учун - 150

«Учитель Узбекистана» газетаси

Нашр индекси: якка обуначилар учун - 216, ташкилотлар учун - 217

«Таълим тараққиёти» ахборотномаси

Нашр индекси: якка обуначилар учун - 1056, ташкилотлар учун - 1057

«Халқ таълими» журнали

Нашр индекси - 904

«Тил ва адабиёт таълими» журнали

Нашр индекси - 872

«Бошланғич таълим» журнали

Нашр индекси: якка обуначилар учун - 802, ташкилотлар учун - 803

«Соғлом авлод учун» журнали

Нашр индекси: - 857

«Мактабгача таълим» журнали

Нашр индекси - 1038

ЯНА РЕЙТИНГ ҲАҚИДА

Республика Таълим марказида «Ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими бўйича тажирибасиновининг I чорак натижалари» мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни Марказ директори Г.Алимова олиб борди. Узоро музокараларга бой бўлган ушбу давра суҳбатида барча вилоятлардан ташриф буорган екперимен-

татор ўқитувчилар рейтинг тизими бўйича тажирибасиновининг I чорак натижалари ҳақида маълумот берди. Tadbir

лар. Шунингдек, давра суҳбати иштирокчилари ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими ва унинг илмий-амалий асослари тўғриси-

да педагогика фанлари доктори, профессор Ж.Икромовнинг чиқишини, ЎзПФИТИ Ахборот маркази раҳбари Ш.Шарипов маълумотини эшитиш, TESIS эксперти Ян Смитнинг кун тартибидаги асосий масала — хорижда рейтинг тизими юзасидан чет эл тажирибаси ҳақидаги маърузасини тингладилар. Н.УСМОНОВ

ДАРСЛИК ЖОЗИБАСИНИНГ СИРИ

Биз, Тошкент шаҳридаги 29-мактаб она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари истиқлол тенгдоши — 1991 йили яратилган ўзбек адабиёти дастури ва шу дастур асосида яратилган дарсликлар бўйича ишлаб келамиз. Маълумки, мазкур дастур ва дарсликлар Республикаимизнинг маънавий-маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди, адабиёт дарсларини узоқ йиллар давом этган яққоҳимон мафкура таълиқи ва оғусидан халос этди. Авваллари «диний-адабиёт», «феодал-сарой адабиёти» вакиллари, «миллатчи шоир-ёзувчилар» деб қораланган ўнлаб буюк сўз усталари шайни, кадр мактабларда айти шу дастур ва дарсликлар орқали тилланди.

Ўқувчилар Ясавий, Рабзузий, Хувайдо, Амирий каби мумтоз адабиётимизнинг ўнлаб намоёндалари тўғрисида ҳаққоний маълумот олиш имконига эга бўлдлар; Бехудий, Фитрат, Чўлпон сингари юрт истиқлоли йўлида курашган ва кўрбон бўлган алломалар адабиёт дарсларимизнинг чин қахрамонига айландилар. Бугина эмас, Навоий, Бобур, Машраб, Қодирий, Ҳамза, Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Қаҳор сингари ижодкорлар ҳаёти ва ижоди янгича талқин этиладиган бўлди. Фақат мафкуравий-сийсий

Amaliyotchi fikri

мақсадларини кўзлаб эски дастурларга киритилган «Уртоқ Ленин», «Йўлчи юлдуз» каби бадииятдан йироқ асарларни, компания ва Ленинни шарофловчи ўнлаб сохта нарсаларни ўқитиш азоби ва балосидан халос бўлди. Ўша кезлари ўзбек синфларида махсус рус адабиёти ўқув фани ўқитилган ҳолда ўзбек адабиёти дастури ва дарсликларидан ҳам рус адабиёти намоёндаларига тақдоран кенг ўрин берилар, ҳатто айрим синф «Ватан адабиёти» китобининг 70-75 фоизини рус адабиёти ижоди эгаллар эди. Янги дастур, дарсликлар мана шундай адолатлиликларга ҳам барҳам берди. (Давоми 3-бетда)

ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

XXI аср бўсағасида дунёда содир бўлаётган табиий ва сунъий бахтсиз ҳодисалар инсоннинг яшаш тарзига ўзгартиришлар киритишни тақозо этади. Инсоният деярли хар кун шифатсиз табиат ҳодисалари билан юзма-юз бўлади, яъни хар йили Ер юзиде ўн минглаб яшин ҳодисаси, сув босишлари, юз мингдан ортиқ ер қимирлашлари, кўплаб ёнғин, кўчки, бўрон, вулкон отилиши каби ҳодисалар юз бермоқда. Табиий офатларнинг бундай журиқ инсониятга кейинги ҳаёт тарзи ҳақида ўйлаб қуришни, эртани ўрганишни ва бунинг учун қандай йўл тутиш масаласи жуда муҳим эканлигини билдирмоқда.

БМТ маълумотларига қараганда, охириги 20 йил ичида сайёраимизда табиий офат ва халокатлар оқибатида 3 млн.дан ортиқ одам халок бўлган. Табиатнинг халокатли кучлари тез-тез намоён бўлиши билан санот авариялари сонининг ошиши, иж-

O'zimizni o'zimiz asraylik

тимой тусдаги хавфли вазиятларнинг юзга келаётганлиги маълум ҳодимлар ва мутахассислар тайёргарлиги талаб даражасида эмаслиги, қундалик ҳаётда, хавфли-фавқулодда вазиятларда фуқаролар ўзларини қандай тутиши лозимлигини билмаслигини янада яққол кўрсатади.

Шу сабабли, аҳолининг ҳаёт хавфсизлиги масаласида таълим бўйича узуқлиқ таълим бериш тизимини ташкил қилиш ва тақомиллаштириш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» курсини умумий ўрта таълим мактабларида жорий қилишга киришилди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги, «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамада техноген хусусиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунларнинг амалга таътиб қилинишидан дарак беради. (Давоми 3-бетда)





### Тўпурарлар шиддати

Газетамизнинг олдиги сонида хабар қилинганидек, пойтахтимизнинг «Чилонзор» стадионида футбол мактаб-интернатлари ўртасида кичик ёшдаги (1985-86 йилларда туғилганлар) ўсмирларнинг 1999 йилги республика финал мусобақалари кескин курашлар остида ўтмоқда.

Финал мусобақаларида республикадаги 18 та футбол мактаб-интернатлари ўртасида ўтказилган худудий мусобақалар голиблари — Фаргона, Жиззах, Денов, Шофиркон, Тошкент ва Бухоро мактаб-интернатлари тарбияланувчилари республика чемпиони бўлиш истагида ўзаро беллашмоқдалар.

9 ноябрь куни республика биринчилиги мусобақаси Тошкент ва Жиззах командаси учрашуви билан бошланди. Сўнг

Фаргона—Бухоро ва Денов — Шофиркон командалари аъзолари майдонга тушишди.

Ёш футболчиларнинг иккинчи кунги учрашувлари тунда ёққан ёмғирдан сўнг ивиغان майдонда ўтказилишига тўғри келди. Бу, шубҳасиз, ўзини суръатига таъсир кўрсатди.

#### Futbol

11 ноябр кечаси ёққан қор туғайли «Чилонзор» ўйингоҳида футбол учрашуви ўтказиш имкони бўлмагани учун уни МХСК-нинг қомандан отиш майдонида ташкил этилди. Қор билан қопланган «ўйингоҳ» да тўпурарлар дарвозабонларини эсанкиратиб қўйишди. Учрашувларнинг ҳар бирида дарвозаларга камида 10 та тўп урилгани ҳам шунини кўрсатиб турибди. Жумладан, фарғоналик футболчи-

лар Жиззах командаси дарвозасига 12 та тўп уриб, ўз дарвозаларидан битта тўп ўтказиб юборишди. Денов — Тошкент учрашувида 1:9, Шофиркон — Бухоро учрашувида 4:6 ҳисоби қайд этилди.

Финал учрашувларининг учинчи куни якуналарига кўра Бухоро ва Тошкент мактаб-интернати қомандаси 9 тадан очко жамғариб, пешқадамлик қилмоқда. Фаргона, Жиззах, Шофиркон командалари 3 тадан очкога эга.

Кеча — жума куни ва бүгун ўтказиладиган учрашувлар якунига кўра III республика финал мусобақаси голиб ва совриндорлари аниқланади.

Газетамизнинг кейинги сонида финал мусобақаси якуналари ҳақида ахборот берамиз.

Ф. МАННОПОВ

Ҳоразм вилояти Гурлан тумани ҳокими Раҳимбой Матрасулов Ҳамид Олимжон номидаги ўрта мактабга ташириб буюриб, уқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар билан мулоқот ўтказди. Ҳоким ўз суҳбатларида ёшлар таълим-тарбиясини такомиллаштиришда оила, маҳалла ва мактабнинг ўзаро алоқа-

#### СУҲБАТ ЎТКАЗИЛДИ

сини мустақамлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисида ўтказиладиган сайловларда фаол иштирок этиш ва бу боралда, айниқса, маҳалла фаолларининг, мактаб раҳбарларининг роли салмоқдор бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Ҳоким ўз нутқида ечимини кутатган айрим муаммолар ҳусусида, бу боралда амалга оширилатган талбирлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Ғойиб ЁҚУБОВ, ўз мухбиримиз

### ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛИГИ САРИ БИР ҚАДАМ

Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде 1985-1987 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида эркин ҳамда юнон-рум курашлари бўйича «Олтин куз» муносабати билан шаҳар очиқ биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақадда Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларидан 200 га яқин ёш курашчилар голиблик учун кураш олиб бордилар. Қизиқари ва ҳаяжонли кечган курашлардан сўнг эркин кураш бўйича ўз вази тоифаларида Самарқандлик курашчи-лар Ҳусен Ниезов, Меҳ-

рож Журақулов, Дамир Авазов, Одил Камолов, Хуршед Шуқуров, Алам Холов, Шерзод Саидов, Икром Раҳимов, Парвиз Ибрагимов, Бағир Мухтаров, Обид Раҳимов, Улуғ-

#### Kurash

бек Одиловлар голиб чиқиди.

Юнон-рум кураши бўйича ўз вази тоифаларида ёш курашчилар Дамир Бешимов, Меҳрож Журақулов, Давлат Муҳаммадиев, Одил Камолов, Жонибек Хайруллаев, Мурод Накибаев, Ёлгор Саттаров, Парвиз Ибрагимов, Обид Ра-

ҳимов, Сафар Сувоновлар голиб чиқиди. Юнон-рум кураши бўйича голиб ва совриндорларнинг кўпчилиги Темирийул туманидаги 66-ўрта мактабда таҳсил оладилар. Мактаб маъмурияти ўқувчиларини турии хил спорт тўғраракларига жалб этишда бош бўлиб келмоқда. Голиб ва совриндор эркин ҳамда юнон-рум курашчилар Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими томонидан қимматбаҳо эсталик совғалари ҳамда дипломлари билан тақдирландилар.

М. АҲМЕДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

#### Xullas...

### 22 ЙИЛДАН СЎНГГИ ДИЙДОРАШУВ

Бундан 22 йил муқаддам туғуққондада кузи ериган икки аёл Язиля ва Галина чақалоқлари алмашиб кетганини сезишмаганди. Язиля — татар, Галина эса рус, иккиси ҳам уйғилмалик бўлишганди. Чақалоқлар тутилган заҳоти кимга тегишли эканлигини ёзишни унутган ҳамшира Рита, эҳтимол, орадан шунча йил ўтиб, йигитлар ўз ҳақиқий ота-оналари билан учрашларини тушида ҳам қурмаган бўлса керак.

Галинанинг боласи Андрей қорасоқ. Дамир эса мовий қузли, танаси оқ. Галина хайрон, йигитчада уларига ухшаш жидатлар мулақо йуқ. Шунда у Язиляни кимга боришга қарор қилди. Не куз билан кураки, Дамир — нақ эрининг нуҳаси бўлиб улгайибди. Андрейни куриб, Язиля ҳам донг қотиб қолди. Лекин англашмаловчиликни йигитларга тушунтириб, келишни олгунларига қадар икки она ҳали уларни ҳеч қачон қузатилмаган туйғу таъсирда қолишди.

Шундай қилиб, болалар ўз ота-оналари билан танишиши ва топишишди.

#### ЭНГ УЛКАН «АРЧА»

1980 йилда Вильнюсда рожество кунларида улкан телеминара қад ростлаган эди. Унинг баландлиги 326,47 метр бўлиб, арчасимон кўринишда ва 32 та маржонга эга. Унда ҳар бирининг қуввати 15 ватт бўлган чироқлар бор.

168-метр баландликдаги айлана бўлиб прожектор урнатилган. Телеминоранинг энг юқори қисмида, худди арчаники сингари «чўққи» ва у юғуруви нурларни узиди жиллангирган.

Телеминора лойиҳаси учун 125 миң доллардан зиёд пул сарфланган.

#### КҮР-КҮРОНА ВА БИЛАТУРБИ...

Ҳар йили 500 миңг америкалик чекиш билан боғлиқ турли хил касалликлардан вафот этишар экан. 30 марта ўтказилган илмий талқиқотлар хулосаси бундан шундай қилиб: АҚШ атраф-муҳит муҳофазаси агентлиги ҳам тасдиқлайди. Ҳар йили ўн миңг америкалик упка ракидан ҳалок бўлади. Аммо улар чекувчилар эмас, балки сингаретини атрафта беракатан хили туйғайли бевақт улгимга дучор бўлганлариди.

Ана шу хулосалардан яхшигина хабардор 27 фойз америкалик ҳамон чекмоқда. Бу кур-курона ва билатуриб ўз умрини қисқартириш, деб езилади «Америка» журналидаги мақолалардан бирида.

#### ana shunaqa gaplar...

Тошкент Давлат авиация институтини ректорати «Учинч аппаратлари ва авианон дивертелларнинг техник эксплуатацияси» кафедраси доценти М.М.Ишонқуллова оналари НАФИСА аянинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиди.

Тошкент Давлат авиация институтини талабалар касабаношмаси, доцент М.М.Ишонқуллова онаси НАФИСА аянинг вафот этганини муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

Тошкент Давлат авиация институтини профессор-ўқитувчилар жамоаси ва касабаношмаси, техника фанлари номзоди, доцент М.М.Ишонқуллова онаси НАФИСА аянинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиди.

Тошкент Давлат авиация институтини профессор-ўқитувчилар жамоаси ва касабаношмаси, техника фанлари номзоди, доцент М.М.Ишонқуллова онаси НАФИСА аянинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиди.

**ОМАД ТИДАЙМИЗ**  
Испанияда кеча бошланган самбо бўйича жаҳон чемпионатида 70 дан ортиқ мамлакат спортчилари иштирок этмоқда. Равшан Аҳмаджонов мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси 9 вази тоифасида беллашапти. Мусобақалар 15 ноябргача давом этади.

**САРАЛАШ ОЛДИДАН**  
Ўзбекистон футбол федерациясида 20-28 ноябрь кунлари Бирлашган Араб Амиратларида ўтказиладиган XII Осиё чемпионати саралаш баҳслари олдидан ҳамда республикамиз саккизинчи миллий чемпионати якуналарига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ҳозирда 15 та жамоадан 25 футболчи танлаб олинган.

**ЖАҲОН КУБОГИ УЧУН**  
Россия волейболчи қизлари охириги беш ўйинни галаба билан якунлаган, Олимпия ўйинлари волиби ва икки қарра жаҳон чемпиони бўлган Куба терма жамоаси билан рўбарў келди. Жаҳон кубоги даъвогарлари бўлган икки жамоа 16 ноябрда ўзаро куч синашадиган бўлди.

**ҲОЗИРЧА МУЖМАЛ**  
Ўтаётган ҳафтада ҳам Германия футбол чемпионатида янада аниқ даъвогарлар қилиши мумкин эди, агар «Бавария» — «Ульм» ўйини 1:0 натижа билан якунланганда, албатта. Мюнхендаги учрашувда гарчи голиб бўлиб ўтди, лекин ўйнамас ҳам, омади чопди.

**ЭСКИ РАҚИБЛАР ЭДИ**  
Баскетбол бўйича дуний чемпионат бу ҳафтада янада қизиқарли тус олди. «Портленд» — «Дрейкер» учрашувида Шакил Онил 17 очко билан ўзини лидерга айланган бўлса, баскетбол юдузи Сабонис Арвидас учрашувни бевақт тарк этишга мажбур бўлди. 97-82 ҳисоби қайд этилган икки жамоанинг икки ўйинчиси эски рақиблар эди.

maydonchasi


### «Ma'rifat»ga «Афанди» келди

**Нимкулгилар**  
**ДАВОЛАШНИНГ ОСОН ЙҮЛИ**  
— Официант, нега шўрвада пашша сузиб юрибди? — сўради хўранда.  
— Официант шўрвадаги пашшага синчиқлаб қаради-да, деди:  
— У сузаяпти, у ўлиб бўлибди!  
— Бизнесим ниҳоясига етди!  
— Узи нима билан шуғулландинг?  
— Бозорда қуш сотардим.  
— Хўш, нима бўлди?  
— Қушим ўлиб қолди...  
— Бир эркак врач қабулга келиб деди:

— Менда даҳшатли кечинмалар рўй берапти. Кроватта ётсам, худди унинг тағида кимдир беркиниб ётганга ўхшайди, кроватининг тағига кирсам, худди устида биров ётгандек туюлаверарди.  
— Бу касалликни узоқ вақт даволашга тўғри келарди, — деди дўхтир бамайлихотир. — Ҳар бир ташрифингиз учун юз доллардан тўлайсиз.  
— Эркак биринчи ташрифи учун пул тўлаб, шу кетганча бадар кетибди.  
— Бир неча ой ўтгач, врач тасодифан ўша миқдорни кўчада учратиб қолиб, сўради:  
— Нега қабулимга келмай кетдингиз, ахир бу касаллик билан ҳазиллашиб бўладими?  
— Ҳар бир ташрифимга юз доллардан тўлаб бориш чўнтакка тўғри келмас экан. Бунинг устига бир ичувчи қўшним бир стакан ароқ эвазига мени осонгина да-


волаб қўйди.  
— Қандай қилиб?  
— У кроватининг оёқларини тағ-туғи билан аралаб ташлашни маслаҳат берди...  
— Доктор, негадир чап оёғим оғрийдиган бўлиб қолди...  
— Бу қарилик аломати!  
— Лекин ўнг оёғим ҳам худди шу ёшда бўлишга қарамай бирор марта оғригани йўқ-ку!  
А. СОЛИҲОВА тўплади.  
**ЯНГИ ЛАТИФА**  
Ўзбек Чукчаникига меҳмонга келибди. Чукча музлатгичдан яхлаган балиқ олиб унинг олдига қўйибди:  
— Қирқ даражали совуқда музлатилган балиққа бало борми? — дебди ўзбек.  
— Узинг ҳам қирқ даражали иссиқда менга қайнатилган чой берганинг эсингдами?! — дебди Чукча.

Элдор РИХСИЕВ



### Obuna – 2000

**АЗИЗ КУЛГИСЕВАР ДЎСТЛАР, ҚАҲҚАҲА ШАЙДОЛАРИ!**  
Йил — ўн икки ой жондонингизда кулги ва табассум аримасини десангиз, шошилинг!  
Республикамизнинг ягона кулги ва ҳажж журнали «Муштум» ҳамда ягона латифалар газетаси «Афанди»га 2000 йил учун обуна давом этипти. Обуна республикамизнинг барча алоқа бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.  
Нашрлар индекси: «Муштум»: якка тартибда — 842 ташкилотлар — 843 «Афанди»: якка тартибда — 590 ташкилотлар — 591 «Муштум» кутубхонаси 14 та китоб — 10187 «Муштум» ва «Афанди» — узоқ умр гарови!



### ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

**I. Жавоблар занжир ва кесишган ҳолда шаклга ёзилади.**  
Самарқанддаги VII асрдан бошланиб, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврида ниҳоясига етказилган меъморчилик ёдгорлиги. 2. Уч томони берк, олди очик хона. 3. Тасвирий санъат устаси, уймакор. 4. XVI асрда Самарқанд ҳокими Ялангўш Баходир томонидан қурилган мадраса. 5. Бинонинг олд томонидан пештоқ ва устунлар билан безатилган кўркам кисми. 6. Ярим шар шаклидаги гўмбаз. 7. Археологларимиз томонидан топилган Ўзбекистондаги хароба шаҳар. 8. Сохибқирон Амир Темурнинг рафикаси Сароймулкнинг томонидан биёд этилган, XVI аср охирига қадар мавжуд бўлган мадраса. 9. Биноларни лойihalаш, қуриш ва безатиш санъати. 10. Тошкентдаги XVI асрга мансуб меъморлик ёдгорлиги. 11. Пойтахтимиздаги қадимий даҳа номи билан аталувчи меъморлик обидаси. 12. Бинонинг ёруғлик тушадиган қисми. 13. Иморатни лойihalовчи мутахассис. 14. Девор сиритига бериладиган сўнгги ишлов, пардоз. 15. Бухородаги мадраса, хонақоҳдан иборат XVI-XVII асрларга мансуб меъморлик обидаси. 16. Беэак учун ишлатиладиган юпка металл варағи. 17. Тасвирий санъат асари. 18. Рассомнинг ашёси. 19. Езув қуроли. 20. Асоси тўғри тўрт бурчакли, тўрт томонга уланувчи нақш тасми. 21. Бино эшигининг юқорисида ярим доира шаклида ишланган қисми. 22. Қуйма махсулотга шакл бериш мосламаси. 23. Доира шаклида гул-нақш билан қопланган каштачилик бўюми. 24. Қадимдан бандан, баҳаво қилиб қурилган энгил иморат. 25. Хиванинг Ичанқалъа обидаси тарихига кирувчи XVI асрга мансуб меъморлик ёдгорлиги. 26. Фарғона водийсининг кулпочилик маркази.  
**II. МУАММОНОМА**  
Жавоб сўзларидан фойдаланиб, шаклнинг айланаларидаги рақамларни (ўнг томондаги рақам жавоб сўзи, чап томондаги рақам тартибини англатади)харфлар билан алмаштириб, муаммонони хал этинг. Бунда атоқли ўзбек ганч уймакорлиги устози, давлат мукофоти номзоди, Ўзбекистон халқ рассомининг исм-шарифи аён бўлади.  
Фозилжон ОРИПОВ тузди.

**БЕЗИЁНОВДАН ТЕККАН ЗИЁН**  
Андижон шаҳрининг Машираб кўчасида бир шифокор аёл манзилга тезроқ етиб олсам, деган илҳизмага кетаётганди. Ёнида бир шарпа пайдо бўлди, сув этиб йўқолди. Қўчиб ёқасини ушлади, кўнгли ялашти бўлди. Нимадир йўқдек...  
Ҳа, бу шарпа унинг бўйнидаги тилла мунчоғини юлиб қочганди. Кечроқ бўлса-да, ҳодисани тушунган аёл милицияга югурди.  
Қовоз-қалам қилинган, иш бошланди. Кўп ўтмай юлиб қочар тутиб келтирилди. Не кўза билан кўрсинки, ёшига илҳизмага бўйин эгиб турарди. Қилган ишдан пуршаймон бўлиб, кўзлари жовдираб турган илҳизмага эса ўзини шаҳардаги 2-ўрта мактабнинг 10-синфи ўқувчиси В.Безиёнов эканлигини айтди.  
Ҳозирда Безиёновнинг шифокор онага келтирган моддий ва маънавий зарари юзасидан тергов ишлари олиб боришмоқда.

**КИЧИКНИ КИЧИК ДЕСАНГ...**  
каттаси ундан ошиб тушар экан. Самарқанд шаҳрининг Ал-Хоразмий кўчасидаги 49-мактабнинг ёнида кетаётган Х.Обидинованинг бўйнига эса мактаб ўқувчиси эмас, кап-катта илҳизма осилди. Бир зумда сув этиб келган шарпа худди шундай тезликда ёнидан ўтиб кетди. Бироқ, бир пас ўтиб Х.Обидинова бўйни ачишаётганини сезди. Ёқасини ушлаб ичи музлаб кет-

ди. Зирагим, тилла зирагим, дея бир пас ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди. Лекин дарров ўзини қўлга олиб, милицияга югурди.  
Тилла зиракни юлиб қочган шоввоз бир ҳафта дарраксиз кетди. Бироқ ички ишлар ходимлари тилла зирак хушторини топишиб, юлиб олиб қочган зиракни қайтариб беришга мажбур қилишди. Самарқанд жамоа хўжалигида яшовчи А.Эргасев афсус чекмоқда. Аммо унинг эркин юриши вақти зирак узилган маҳалда

тўхтаган эди. Шу боис, энди...  
Хуллас, қолган гап терговдан сўнг маълум бўлади.

**«ДАРСГА КЕЧ ҚОЛАМАН...»**  
Миробод тумани ички ишлар бўлими ходимларига воқеа тафсилотини тушунтириётган киши воқал олдидаги ер ости йўлидаги қўл соатини тортиб олган зўравоннинг афт-ангоришо, бўй-бастини ҳам яхшигина тасвирлаб берди. Кўринишдан бозори болаларга ўхша-

майди, деган гаплари эса ходимларни унда ким бўлди экан, дея бош қотиришга ҳам ундаси.  
Хуллас, тезроқ тадбирлардан сўнг бир беғуноҳнинг «Ориент» қўл соатини зўравонлик йўли билан тортиб олган, жабрдуйда тасвирлаганидек, оддийгина қийинган илҳизмачининг қилиши фойш бўлган, у соатини нима учун тортиб олганини шундай изохлагани. «Соатим йўқлигидан дарсга кеч

қолаётгандим, шунинг учун...» дея ер чизди.  
Дарсга кеч қолиш ҳақонасида бировларга куч ишлатиш йўли билан янгилай содир этган Жангиёул шахридаги коллежнинг 1-босқич талабаси Б.Тўлағанов устидан тергов ишлари олиб боришмоқда.  
**Ш.РҮЗИЕВ, ИИБ Матбуот маркази ходими**

**Ma'rifa!**  
ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:  
Ўзбекистон Халқ таълими вазири, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Таълим ва фан ходимлари касабаношмаси Марказий Кўмитаси.

**Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ**  
Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОВЕВ (масъул қотиб), Шукр ЖОНБОВЕВ, Қурбонбой МАТҚҮРБОНОВ, Нўрможон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Хулқар ТҮЙМАНОВА, Сатдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдилар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди.  
«Ma'rifa!»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рuxсати билан амалга оширилиши шарт.  
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул қотиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.  
Газетани ИВМ компютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Дилбар ХҲЖАЕВА, Шералӣ НИШОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. P-0922. Тиражи 23.625. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилган, қовоз бичими А2.  
«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмаҳонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-ўй  
Боснига тошириш вақти — 20.00. Тошкентда — 20.05.

**Ma'rifa!**  
ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:  
Ўзбекистон Халқ таълими вазири, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Таълим ва фан ходимлари касабаношмаси Марказий Кўмитаси.

**Ma'rifa!**  
ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:  
Ўзбекистон Халқ таълими вазири, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Таълим ва фан ходимлари касабаношмаси Марказий Кўмитаси.

**Ma'rifa!**  
ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:  
Ўзбекистон Халқ таълими вазири, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Таълим ва фан ходимлари касабаношмаси Марказий Кўмитаси.